Ушбу сонда:

2 ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ барҳам топсин

3 АВВАЛО АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСИН

4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛТИН БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 19 июн, шанба № 99 (1732)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бокс

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Жанубий Кореянинг Четжу шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида юртимиз спорт шарафини Мансур Маҳмудов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз вакиллари - Раҳмонбек Тошматов, Илҳом Раҳимов, Баҳодир Маматжонов, Шароф Айтбоев, Зокир Ортиқов, Элдор Эргашев, Элшод Расулов, Аббос Отаев, Аҳрор Нуралимов ҳамда Азизжон Раҳмонов ҳимоя қилди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, боксчиларимиз - Илҳом Раҳимов ва Элшод Расулов жаҳон чемпионати олтин медалига сазовор бўлган.

Финалда иштирок этган икки нафар ўзбекистонлик боксчи - Зокир Ортиқов ва Азизжон Раҳмонов кумуш медаль олган бўлса, Аббос Отаев учинчи ўринни эгаллаган.

(ЎзА)

ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ХХР Раиси Ху Цзиньтао 18 июн куни рафиқаси билан қадимий Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Икки давлат раҳбарлари дастлаб муҳташам Аркка ташриф буюрдилар. Бу қалъа қарийб 4,2 гектар майдонни эгаллайди. Маълумотларга қараганда, Аркнинг бунёд этилганига 1,5 минг йилдан ошган. Ноёб обида Хитой раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар IX-X асрларда бунёд қилинган ва ҳалигача ўзининг мукаммал математик ўлчовлари, Шарқона безаклари билан ҳар бир кишида ҳайрат ва қизиқиш уйғотадиган Исмоил Сомоний мақбарасини томоша қилдилар.

Пойи Калон мажмуининг шуҳрати дунёга ёйилган. ХХР Раисига обида ҳақида батафсил маълумот берилди. Минораи Калон пойдевори 10 метр чуқурликда жойлашган, ерусти қисмининг баландлиги эса қарийб 50 метрга етади. Марказий Осиёдаги энг йирик масжид -Масжиди Калон Шарқнинг қўли гул меъморлари томонидан XV-XVI асрларда бунёд этилган. Истиқлол йилларида, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи арафасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан у тубдан таъмирланди. Мажмуа таркибига кирувчи Мир Араб мадрасасида ҳозир талабалар диний ва дунёвий фанларни чуқур ўрганмоқдалар.

Ху Цзиньтао Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг Буюк Ипак йўли орқали ривожланган қадимий алоқалари, бой маданий ва тарихий мероси бугунги кунда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Олий мартабали меҳмон Хитой Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканлигини маълум қилди.

Ху Цзиньтао кўрсатилган юксак иззат-икром ва эҳтиром учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Ташриф асосидаги келишувлар яқин орада самарасини беришига ишонч билдирди. ШҲТнинг Тошкент саммити юқори савияда, муваффақиятли ўтгани барча аъзо мамлакатлар учун қувонарли, Ўзбекистон учун эса алоҳида ютуқ эканлигини қайд этиб, Ислом Каримовни бу ютуқ билан яна бир бор самимий қутлади.

Шу куни ХХР Раиси Ху Цзиньтао Бухородан жўнаб кетди.

Аэропортда олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кузатиб қўйди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири

ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Бу борада жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда.

Япония ҳукуматининг Беғараз ёрдам дастури бўйича «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш лойиҳаси - /JDS» ана шу мақсадга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасида Кунчиқарюртнинг ушбу грантига оид алмашинув ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Беш йил мобайнида муваффақиятли амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳага кўра, юртимиз ёшлари иқтисодиёт, ҳуқуқ, бизнес бошқаруви, менежмент, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, муҳандислик каби йўналишларда Японияниг нуфузли университетлари магистратурасида малака ошириб қайтмоқда.

Бу йилги Япония ҳукумати томонидан ажратилган грантлар миқдори 542 миллион япон иенасига тенг бўлиб, яна 20 нафар юртдошимиз Японияда таҳсил олади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато мазкур грантга оид алмашинув ҳужжатларини имзолади.

(ЎзА)

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУЙҒУСИ

Одам боласининг табиатига хос туйғулар кўпрок насл-насабдан ўтади, дейишади. Бу фикрга мутлако эътироз йўқ. Чунки халкимиз орасида хам хаёт синовларидан ўтган «кон тортади» деган ибора бор. Аммо тарғибот-ташвиқот, тушунтириш, англатиш хам киши характерининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Айникса, оиладаги ташвикот-тарғибот.

Болалигимизда «ватанпарвар» деган сўзни эшитсак, кўз олдимизга милтиқ кўтариб жангга кириб кетаётган аскар гавдаланарди. Бу бизнинг оилада эмас, киноларни кўриб, китобларни ўқиб уйғонган тасаввуримиз. Тарих, адабиёт муаллимларидан эшитганда қулоғимизда қолган сўзлар суврати.

Аслида ватанпарварлик туйғуси ҳам Ватан туйғуси каби оиладан бошланиши керак. У жанговор маршга ўхшаган маълум бир ҳолатлар, маълум кайфиятларда юзага келадиган туйғу эмас. Ватанпарварлик ҳам ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-мурувват каби туйғуларга ўхшаш инсоний бир ҳиссиёт. Айтайлик, автобусда кетаяпсиз. Ҳамроҳларингиздан бири чипта учун пул тўламай ҳайдовчининг кўзини шамғалат қилиб тушиб кетаяпти. Ёнингиздаги бўйи атиргул бўйидай фарзандингиз бунга аҳамият берди:

– Ая, анови киши чиптага пул тўламай тушиб кетди...

Агар сиз:

– Қўявер, ишинг бўлмасин, ўзи билади, сен ўзингни бил! - десангиз шу «ўзини билиш» керак бўлган туйғуси қалбида қотиб қолади.

– Балки, эсидан чиққандир, балки, пулини тушириб қўйгандир. Янаги сафар қўшиб тўлайди. Чиптага, албатта пул тўлаш керак. Бу арзимаган иш эмас. Юлғичлик хисобланади. Бугун чипта ҳақини юлиб қолган одам, эртага кўпроқ мумкин. Ўз ўймариши Ватанини кўрган қачон, ҳеч ғичлик - дея эринмасдан тушунтирсангиз «Ватанни севиш, ватанпарварлик бу юлғичлик эмас экан» деган ҳамма тушуниши мумкин бўлган тасаввур уйғонади. Ҳатто, ватанпарварлик изоҳлари бундан ҳам соддароқ тушунтиришлардан бошланиши мумкин.

Маънавият сабоқлари

Дейлик, кетаяпсиз. Чекиб бораётган йигит сигарета қолдиғини ҳозиргина фаррош эгилиб-букилиб супуриб ўтган йўлга отиб юборди. Сиз индамай қўя қолсангиз, болада «ҳа, ҳамма нарсани отиш мумкин экан-да» деган фикр суврати қолади.

– Мана шу йўл ҳам бизнинг юртимиз. Йўлимизга қараб меҳмонлар бизга: «Покиза халқ экан, ёки фаросатлари сал мундайроқ экан» дея баҳо берадилар.

– Ахлатми, қоғозми нима бўлса йўл чеккасидаги махсус идишларга ташлаш керак, - десангиз бола юраётган йўлини ўзиники сифатида қабул қилади. Унга нимадир отишга бетланмайди. Эҳтимол, кимдир сиз ватанпарварлик билан бошқа туйғуларни аралаштириб юборяпсиз, дея эътироз билдириши мумкин.

Аслида ватанпарварлик оролдаги кимсадай ёлғиз туйғу эмас. Бугун ярқираб турган йўлга музқаймоқ қоғозини ташламай анча вақт қўлида кўтариб бориб махсус идишга ташлаган бола эртага йўлдан каттароқ манзилу маконларга қалбида эгалик ҳиссиётини сезади. Меники, деб севган жойига биров дахл қилса, ҳимоя туйғуси уйғонади.

Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон, деганларидай Ватаннинг кўзча жойи ҳам ватан. Уни севган, уни асраган одамдан номард чиқмайди. Кўчада оқиб ётган водопровод жўмрагини бураб қўйишни тежамкорлик деймиз. Оғир юк кўтариб кетаётган Аёлга ёрдамлашиб юборишни меҳр-мурувват деймиз. Ўқдай учиб кетаётган поезд ойнасига тош ирғитмоқчи бўлган безори тенгдошининг қўлини ушлаб қолган болакайни сезгир, ақлли, деймиз. Худди ана шу ҳиссиётлар ватанпарварлик аталгувчи, инсонни инсон сифатида ушлаб тургувчи туйғуга бошловчи сўқмоқлардир.

Ватанпарвар одам тап-тайёр ҳолда, 18 ёки 20-25 ёшга кириб ўзи ойдан тушиб қолмайди. Унга тили чиқиб-чиқмай, тили «р», «з» товушларига келиб-келмай гуллар, гиёҳларни, одамларни севишни, ўғирлик, дилозорликдан сақланишни, меҳнаткашликни ўргатиш керак.

– Мана бу сумкада «Ўзбекистон» ёрлиғи бор. Уни ўзимизникилар ишлаб чиқарган. Ҳам бу сумкада Ватанимиз номи бор. Шунинг учун ана шу сумкани сотиб оламиз. Сотиб олгач эса, авайлаб тутишинг керак.

– Кел, ёнимга ўтир. Кино қизиқ бўлсаям ҳозир ўша хориж киносини кўрмаслигингни истардим. Бошқа сафар кўрарсан. Телевизорда Қодирий бобо ҳақида кўрсатув берилаяпти. Албатта, кўришинг керак.

Мана шу каби кундалик эҳтиёжлар, кундалик режаларни ўргатиш жараёнида бола қалбида ватанпарварлик туйғуси ёши билан бирга улғая боради. Болада бирон туйғу ўз-ўзидан уйғонмайди. Унинг ҳар бир фазилати замирида ота-онанинг муттасил меҳнати ётади. Ҳеч бир нарса эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Илмга ташналикни ҳам шакллантириш керак. Токи фарзандингиз ўзини Ватаннинг бир қисми, бир парчаси деб билсин. Ўзидаги иллатлар Ватанга сачраши, ўзидаги чирой Ватанни безашини ҳис этсин. Ёнидаги юртдоши ёки дўстини ҳурмат қилишгина эмас, ўзини ҳурмат қилиш, ўзини мукаммаллаштиришга интилиши ҳам ватанпарварликка дахлдор эканини тушунсин.

Кетаяпсиз... Ийда ўтирибсиз, ошхонадасиз, меҳмондорчиликдасиз. Агар сиз истасангиз ҳар лаҳзангиз Ватан ва ватанпарварлик дарслари бўлиши мумкин: Истайсиз, бунга ишонаман. Чунки Ватан энг ишончли суянч бўлса, ватанпарварлик дунёда энг яхши туйғу!

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ»

Шу сарлавҳали мақола остида газетамизнинг 6 апрел сонида танқидий чиқиш қилинганди. Унда айрим ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат мухофазаси кўнгилдагидек ташкил этилмаётганлиги натижасида ишчилар ҳаёти хавф остида колаётганлиги, баъзи ҳолларда эса ҳаётдан кўз юмаётганлиги танқид остига олинганди. Жумладан, «Самарқандкимё» корхонасида ҳар йили бахтсиз ҳодисалар содир этилаётгани ва жабр кўрганлар оила аъзоларига товон пули тўлаш, уларни қўллаб-қувватлашга панжа орасидан қараб келинаётгани ҳақидаги фикрлар билдирилганди.

Яқинда ана шу корхона раҳбарияти ва касаба уюшма раиси номидан танқидий мақолага муносабат билдирилган жавоб хатини олдик.

«... газета чиқишидан сўнг корхона маъмурияти ишлаб чиқаришга ва меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишнинг чора-тадбирларини кўрди.

Ўтган йили бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмган Рўзибой Хўжаёровнинг оиласи М.Ирисқуловага бир марталик 3 миллион 317 минг 646 сўм товон пули тўлиқ тўлаб берилди. Боқувчисини йўқотганлиги туфайли оладиган ҳар ойлик нафақа пули ҳозирги кунда 27 минг 647 сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, дафн маросимларига кетган 106 минг 250 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 490 минг сўмлик қурилиш материаллари ёрдам сифатида оиласига берилди. ПМУ-2 цехи раҳбарияти хонадон аҳволидан хабардор бўлиб туриш ва ёрдам кўрсатиш учун биркитилди.

Айни чоғда жамоада ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодисалар такрорланмаслиги учун барча саъй-ҳаракатлар қилиняпти».

А.ГАСАНОВ,
«Самарқандкимё» корхонаси раҳбари

ҲОТАМТОЙЛИК КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?

Таҳририятимизга Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Ўзбекистон» МТП ҳудудида жойлашган «Сапарбой» фермер хўжалиги раҳбари Ойпошша Ғуломова томонидан шикоят хати келганди. Унда мазкур машина-трактор парки собиқ ер тузувчиси хўжаликнинг 409Б-436Б контуридаги 0,96 гектар экин майдони ноконуний равишда аҳолига қўшимча томорка қилиб бериб юборилганлиги тўғрисида баён қилинади.

Мазкур ариза вилоятдаги тегишли ташкилотларга юборилганди. Яқинда таҳририят ана шу хатга жавоб олди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги тўлалигича тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилиши пайтида юқорида таъкидланган 409Б-436Б контурдаги 0.96 гектар ер майдони тегишли қонун талаблари асосида фуқароларга қўшимча томорқа қилиб бериш учун ажратилган.

Ўрганиш жараёнида фуқаролардан О.Солиевга 0.12 гектар, А.Қурбоновга 0.12 гектар, А.Жабборовга 0.07 гектар ер ортиқча берилганлиги аниқланди. Ноқонуний равишда тақсимлаб юборилган майдонларни амалдаги қонунларга асосланган ҳолда қайтариб олиш ва чора кўриш туман мутасаддилари зиммасига юклатилди.

Шунингдек, шикоят муаллифи, фермер хўжалиги бошлиғи – О.Ғуломованинг ўзи ҳам Ўзбекистон Республикаси «Ер Кодекси»нинг 91-моддасига зид равишда 409Б-436Б контурдаги 0.96 гектар майдонни ўзбошимчалик билан асоссиз эгаллаб олганлиги аниқланди. Эндиликда экин майдонларидан оқилона фойдаланиш ва талон-торожликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, барча туманларда бу борадаги назорат кучайтирилди. Мутахассислар жалб этилиб, таҳлиллар ўтказилмоқда».

Б.МАТЯҚУБОВ,
Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи

Тадбиркор Собитхон Камолов Наманган туманидаги «Зарбдор» ширкат хўжалигининг чорвачилик фермасидан бўшаган биноларни ижарага олиб, товуқ боқишга мослаштириб таъмирлади. 15 мингта жўжа сотиб олиб, парваришлади. Айни кунларда товуқлардан кунига 8-10 минг донадан тухум олинмоқда.

Суратда: «Уммон СБК» масъулияти чекланган жамиятининг илғор товуқбоқарлари З.Мамадалиева ва М.Мўминовалар.

П.АКБАРОВ олган сурат

Қўқон шаҳрида Ўзбекистон-Германия хамкорлигида "Қўқон Хоф Тўкимачи" қўшма корхонаси ташкил этилди.

ҚЎҚОН ТАМҒАСИ БИЛАН

Узоқ йиллардан буён қурилиши тўхтаб қолган собиқ радиолампа заводи негизида барпо этилган корхона йил давомида 14,5 тонна пахта толасини қайта ишлайди. Замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари билан жиҳозланган янги корхонада бир вақтнинг ўзида 2 минг 500 нафар маҳаллий ёшлар иш ўринлари билан таъминланади.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, қўшма корхонада йилига 12 миллион тонна калава-ип, 3,5 минг тонна трикотаж маҳсулотлари ҳамда 10 миллион дона тикув ва трикотаж маҳсулотлари Қўқон тамғаси билан ишлаб чиқарилади.

Корхона қурилиши учун Германиянинг "Текстилгруп Хоф АГ Холдинг" фирмаси кўмаги билан 64 миллион 108 минг евро маблағ ажратилди. Ишлаб чиқариш жиҳозларининг асосий қисми Германия ва тўқимачилик саноати ривожланган бошқа мамлакатлардан келтирилади. Бу эса маҳсулот турларининг қарийб 70 фоизини четга экспорт қилиш имкониятини беради.

АБДУЛЛА БОБО КОШИНЛАРИ

Шаҳрисабз шаҳрида ЮНЕСКОнинг «Ўзбекистоннинг мовий кулолчилиги» лойиҳаси доирасида Абдулла Файзиев уста-шогирд мактаби ташкил этилди.

Қадимий меъморий ёдгорликларни тиклаш, кошинчилик санъатини келажак авлодга етказиш мақсадида бошланган хайрли ишни шаҳрисабзлик 80 ёшли ҳунарманд Абдулла бобо Файзиев ва унинг ўғли Машраф Файзиев давом эттирмоқда.

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Машраф Файзиевга кошин ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 6,5 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратди.

"Туркистон-пресс" ,ЎзА

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Қўнғирот тумани маркази йил сайин ободонлашиб, кўркам бўлиб боряпти. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги корхоналар қуриш соҳасида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари шаҳар чиройига-чирой қўшмоқда.

КРЕДИТ ТАДБИРКОРЛАРГА

ҒОЯТДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Устюрт кенгликларида қад кўтараётган Марказий Осиёда энг йирик сода заводи қаторига яна бир иншоот қўшилди. Яқинда ишга туширилган «Ийгиликгаз» корхонаси бир кеча-кундузда 220 тонна газ конденсатидан 60 фоиз бензин, 30 фоиз дизель ёқилғиси ва 10 фоиз керосин ишлаб чиқариш қувватига эга.

Эндиликда Оролбўйи конларидан қазиб олинаётган газ конденсати шу ернинг ўзида қайта ишланиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларига жўнатилаяпти.

Иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилаётган кенг қамровли тадбирлар самара бераяпти. Бундай ижобий натижалар агросаноат мажмуаси эришаётган ютуқларда ҳам яққол намоён бўлаяпти.

Баҳорда юз берган табиат инжиқликларига қарамасдан, қўнғиротлик деҳқонлар ғалла, пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилишаяпти. Одамларда ерга эгалик ҳисси шаклланганлиги, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун етарли шароит яратилганлиги овул аҳлининг турмуш тарзини яхшилаш имкониятини яратмоқда.

Бу ишларда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, албатта. Масалан, тумандаги 276 та деҳқон-фермер хўжалигининг 147 таси пахтачилик билан шуғулланади. Молия муассасамизнинг кредит қўйилмалари 260 миллион 668,4 минг сўм бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 40 миллион сўм кредит берилди.

Мисол учун банкнинг 10 миллион сўмлик кредити эвазига лизинг шартномаси орқали «Мустақиллик» фермер хўжалиги трактор сотиб олди. Натижада ушбу кичик жамоанинг моддий базаси мустаҳкамланиб, маҳсулот етиштириш кўпаймоқда.

Обод Кудеков бошчилик қилаётган фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланади. 350 бош йирик шохли қора молдан режадагидан анча кўп сут ва гўшт етиштирилаётганлиги туфайли ҳозирги кунга келиб банкдан олинган қарзнинг 5 миллион сўми қопланди. Энг муҳими, 60 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Қишлоқда ташкил этилган мини банк 87 та деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаяпти. Ишбилармонлар ва товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳар марказидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги компьютер маркази ишга тушди.

Тадбиркор аёл Бозорой Ромонқулованинг амалга ошираётган ишларидан ибрат олса арзийди. У раҳбарлик қилаётган «Бузенген» фермер хўжалиги туячиликни ривожлантириш билан машғул. Айни чоғда тадбиркор тумандаги шифохона ва болалар боғчалари билан шартнома тузиб, шифобахш туя сути етказиб бераяпти.

«Бандлик» дастурини амалга оширишда ички имкониятлардан оқилона фойдаланилаяпти. Хусусан, Бекбўлсин Саитжонов «Мактаб» хусусий корхонасини очиб, фойдали ишга қўл урди. Бугунги кунда 80 дан зиёд қурувчи меҳнат қилаётган корхона ҳар ойда 10 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажараяпти. Асосийси, мактаблар ва болалар боғчалари вақтида сифатли қилиб таъмирланаяпти.

«Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» дейишади. Боғила Қувондиқова банкдан 10 миллион сўм қарз кўтариб «Чермолкаш» хусусий корхонаси ташкил қилган эди. Тадбиркор савдо дўкони ва ошхона очди. Банк кредитини аллақачон қоплаган ишбилармон аёл Қўнғирот сода заводи қурилиши бошқаруви билан шартнома тузиб, 100 кишини ишга жалб этди. Хусусий корхона кучи билан ҳар ойда 15-20 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Пахтадан катта хирмон кўтариш йўлида астойдил тер тўкаётган Амангелди Давлатбоев, Ўралбой Шукурбоев, Авлоқул Аннамамедов бошлиқ деҳқон фермер хўжаликлари ҳам банк томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Яна бир эътиборли томони, тадбиркорлар яккаёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларни оталиққа олиб, қўллаб-қувватлаб келишаяпти. Йил бошидан ишбилармонлар томонидан муҳтож кишиларга 5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Мусатой БУЖУНБОЕВ,
«Пахта Банк»нинг Қўнғирот бўлими бошқарувчиси

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Зангиота туман ҳокимлиги Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғинида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги ўндан ортиқ корхона, хўжалик ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Иш сўраб мурожаат қилган 125 талабгорнинг аксарияти туман халқ таълими бўлими, «Фар-ВАБ», «Доз-тур» қўшма корхоналари, «Саховат» агрофирмаси каби ташкилот ва корхоналарга ишга қабул қилинди.

ҲАЗОРАСП ҒАЛЛАКОРЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳазорасп тумани ғаллакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини бажарди.

Улар давлат буюртмасида белгиланган 5 минг тонна донни ўн иш кунида ўриб-йиғиб олди ва қабул пунктларига жўнатди. Бу ўрим-йиғим техникасидан самарали фойдаланиш натижаси бўлди. Замонавий «Кейс» ва «Клаас» комбайнларининг ҳар бири кунига 15-20 гектар майдондаги ҳосилни ўриб олмоқда.

Мутахассислар жорий мавсумда ҳар гектар ердан 42-45 центнердан ҳосил олинишига ишонч билдирди.

ЯНГИ АВТОБУСЛАР

50 та янги автобус Андижон шаҳри ва шаҳар атрофи аҳолисига хизмат кўрсата бошлади. Бу йўл билан вилоят марказида долзарб бўлган жамоат транспорти муаммоси ҳал қилинмоқда.

Автобуслар учта асосий йўналишда ҳаракатланади. Йўналишлар узунлиги ортади ва 19-20 километрни ташкил этади. Автобуслар ҳаракат оралиғи ҳамда йўл ҳаки камайтирилди.

Касаба уюшмасининг ўрни ва нуфузи

БУКИЛМАС ИРОДА

Касабақўм раиси одамларга дардкаш бўлиши, унга бутун жамоа умид ва ишонч билан тикилиб турганлиги кўз ўнгида туриши керак. Шу билан бирга ижтимоий шерикчилик бошқарув санъатини пухта эгаллаши, конун устуворлигига таяниши, адолат йўлидан тоймаслиги муҳимдир.

Пахтаобод туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ана шундай ташкилотлардан биридир.

«Андижон» ширкат хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раисаси Мукаррамхон Абдуқодирова одатдагидек бугун ҳам эрталабдан тиним билмади. Қаерда бўлмасин, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояланиши билан қизиқди. Чорва фермасини айланаркан, аёллар меҳнатининг муҳофазасидан кўнгли тўлмади. Сут соғувчилар билан суҳбатда фермада ечимини кутаётган муамомлар тўпланиб қолганлиги ойдинлашди. Чорвадорларга ойлик маош нақд пул ўрнига, натура ҳолида берилаётганлиги, зарарли шароитда ишловчиларга махсус кийимбошлар умуман ажратилмаётганлиги, меҳнатни рағбатлантириш хўжакўрсинга ташкил этилганлиги сезилиб турарди. Ана шу масалалар бўйича ферма мудири билан очиқчасига гаплашиб олди.

Дала шийпонларидаги болали аёлларга яратилган маиший шароитлардан ҳам қониқмади. Чунки «Болалар ва онаклар» хоналари қаровсиз аҳволда қолганди. Иссиқ овқат таъминотида узилишлар бўлаётганлигидан ишчилар ранжиб гапирдилар. Болалар боғчасидаги таълим-тарбия ишларида ҳам талайгина камчиликлар аниқланди.

Ўша пайтларда ширкат бошқарув ҳайъатига Йўлдошбой Асқаров раислик қиларди. Мукаррамхон мавридини топиб унга учради. Дилидағиларни борини тўкиб солди. Бунда ширкат раисининг ўринбосари сифатида ўзининг ҳам айби борлигини айтди.

Ширкат раиси Мукаррамхоннинг гапларини бўлмай тинглади. Хотин-қизлар меҳнатини қадрлашда ширкатнинг айби борлигини тан олиб, яқин кунларда бу ишларга катта маблағ ажратилишига ваъда берди. Лекин анча вақт ўтса-да, ишда ўзгариш бўлмади. Аксинча раис Мукаррамхоннинг ишидан айб топиб, уни вазифасидан бўшатди.

Тармоқ қўмитаси раиси Алишер ширкатдаги ишлар билан танишувларининг бирида Мукаррамхонга нисбатан меҳнат қонунчилиги бузилганлиги, хато тўғриланмаса, масала фуқаролик судигача боришини раисга эслатиб қўйди. Чунки Йўлдошбой Асқаров ишчан, талабчан раҳбар кадрлардан бўлишига қарамай, касаба уюшмаларининг ролига беписандлик билан қарарди. Орадан кунлар, ойлар ўта бошлади. Маошсиз, ишсиз ўтиришнинг ўзи бўладими? Ҳаммадан ҳам Мукаррамхонга жамоадан узоқлашгани оғир ботди.

Ҳақ-ҳуқуқини билган одам қоқилмайди. У тармоқ қўмитасига ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари ҳисобидан ҳақ ундирилиши ҳақида шикоят билан чиқди. Ўз навбатида Алишер Асқаров М.Абдуқодированинг талабларини ёқлаб, ширкат бошқарув ҳайъатига касабақўм номидан тақдимнома киритди.

Тармоқ қўмитаси раиси бундай пайтда муросасиз йўл тутишга одатланган. Чунки у ўзининг ҳақ эканлигини яхши биларди. Охир-оқибат масала қўмитанинг раёсат мажлисида кўрилди. Бошқарув раиси Йўлдошбой Асқаров икки томонлама хатога йўл қўйганди. У қўмитанинг мурожаатларини эътиборсиз қолдириб, Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалар тўғрисидаги Қонунини қўпол равишда бузиб, устига-устак, М.Абдуқодировага нисбатан Меҳнат Кодекси талабларига зид йўл тутиб, унга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказганди.

Мукаррамхонни ўз ишига тиклаш, бекор юрган кунлари учун Й.Асқаров ёнидан иш ҳақи тўлаш тўғрисида раёсат бир қарорга келди. Натижада бошқарув раиси мажлис аҳли олдида Мукаррамхондан кечирим сўради.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик ва уни ҳимоя қила олайлик

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛСА

меҳнат кишисининг эртанги кунга ишончи янада ортади

Касаба уюшма ташкилотларининг нуфузи жойларда ортиб бормоқда. Айниқса, меҳнат қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари юзасидан қилинаётган мурожаатлар ўз вақтида ҳал этилаётгани эътирофга сазовор бўлмоқда.

Жиззах вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари ҳамда вакилликларида ҳам бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари аралашуви билан ўнлаб кишилар ноқонуний ишдан бўшатилгани аниқланиб, ўз вазифасига тикланди. Адолат қарор топиб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Масалан, «Учтепа пахта тозалаш» акционерлик жамиятининг раиси Холқудрат Мустафоқулов «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси раҳбарининг буйруғи билан ноқонуний ишдан бўшатилгани ҳақида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат этди. Касаба уюшма вилоят қўмитаси бирлашма раҳбарига Х.Мустафоқуловни вазифасидан озод қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш, уни аввалги лавозимига қайта тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи тўлаш тўғрисида мурожаат қилди. Лекин бирлашма раҳбарияти ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини тиклашни ўзига эп билмади. Шундан сўнг тармоқ касаба уюшма қўмитаси ходим манфаатини кўзлаб вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритди. Иш судда кўрилиб, адолатли қарор чиқарилди. Унга кўра «Жиззахпахтасаноат» бирлашмасининг Х.Мустафоқуловни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи бекор қилиниб, у аввалги вазифасига тикланадиган, мажбурий бекор юрган кунлари учун корхонадан 244 минг 440 сўм ва 50 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. «Учтепа пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиш баённомаси қонунга зид бўлганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топилди.

Адолатнинг тантана қилиши, ўз-ўзидан бўлмайди. Бунга «Жиззахтумангаз» идораси ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Насиба Абдуллаева ўз фаолиятида иқрор бўлди. Шуниси ажабланарлики, уни бевосита иш берувчи эмас, балки ундан-да юқори турувчи «Жиззахгаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси раҳбари вазифасидан бўшатиш ҳақида 2004 йилнинг 12 мартида буйруққа имзо чекади. Бу ноқонуний буйруқдан норози бўлган Н.Абдуллаева ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришини сўраб Ўзбекистон енгил, мебел саноати, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоят вакиллигига мурожаат қилди.

Вакиллик мутасаддилари «Жиззахтумангаз» раҳбариятига расмий хат билан мурожаат этиб, Н.Абдуллаева билан Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабларига зид равишда меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонунининг 16-моддасига зид бўлиб, вилоятгаз раҳбарияти шаҳар ва тумангаз идоралари ишчи-хизматчиларининг бевосита вазифасидан озод қила олмаслиги баён этилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшма вакиллиги аралашуви билан ҳақиқат қарор топди. Натижада Н.Абдуллаева аввалги вазифасида ишни давом эттирадиган бўлди.

Касаба уюшмалари аралашуви билан «Жиззахободончилик» ҳиссадорлик жамияти ходими Х.Бекмуродов, «Жиззахдонмаҳсулот» уюшмаси раисининг ўринбосари С.Нормуродов, Даштобод пахта тозалаш корхонаси ҳисобчиси О.Турғуноваларнинг ҳам қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қайта тикланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири



Жиззах вилоятида жорий йилда 200 минг гектардан зиёд майдонда бошоқли дон етиштирилди. Айни пайтда ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳозиргача аксарият фермер хўжаликлари зиммаларига олган шартнома режасини уддалаб қўйишди. Ҳосилдорлик гектар бошига 45-50 центнердан тўғри келмоқда. Дўстлик, Пахтакор, Арнасой туманларида ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Суратларда: ҳосил баракасидан фермерларнинг кўнгли чоғ.

Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар

Ижтимоий ҳимоя

САХОВАТДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муҳофазалаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мустақилликка эришилганидан буён ҳукуматимиз пенсионер, нафақа олувчи ва аҳолининг кам таъминланган қатламига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, жорий йилни юртимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши кўплаб эзгу ишларга йўл очмоқда. Янгиқўрғон туманида бу борада талайгина ишлар амалга оширилаётир.

Туманда бугунги кунда 17632 нафар пенсия ва нафақа олувчи бор. Шу кунгача ёлғиз, кекса пенсионер ва ногиронлар, уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари иштирокида байрам тадбири ўтказилиб, уларга 21 миллион 444 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кўплаб турдаги саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 326 нафар якка- ёлғиз пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинган. Шундан 113 нафарига ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Меҳнат бўлими томонидан тайинланган ходимлар 12 нафар кўмакка муҳтож қарияга бириктирилган бўлиб, уларнинг уйларига бориб, мунтазам равишда иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришибди. Ёлғиз пенсионерлардан 33 нафарига 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти ўз вақтида етказиб турилибди. Шу йилнинг 1 чораги давомида 672,6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

– Бўлимимизда вояга етмаган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни реабилитация воситаларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қилинмоқда, – дейди мудир К.Боймирзаева. – Айни пайтда 692 нафар вояга етмаган ва 85 нафар ногирон болаларга ижтимоий нафақа тўланмоқда. Уларга 996,7 минг сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечаклар ҳадя этилиб, кўнгиллари овланди. Бундан ташқари, уларга ногиронлар аравачаси, протез ва эшитиш мосламалари ҳам олиб берилди. «Хотира ва Қадрлаш куни» муносабати билан тумандаги барча уруш қатнашчилари, ёлғиз кекса пенсионерлар бир пиёла чойга таклиф этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 майдаги қарорига асосан 174 нафар уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 18 минг сўмдан мукофот пули берилди.

Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқ марказида уруш ва меҳнат фахрийлари дастурхонга таклиф этилди. Тумандаги ҳомий ташкилот ва хўжаликлар ҳам бундай саховатдан четда қолмадилар. Шунингдек, ҳокимлик томонидан 7 нафар ётиб қолган уруш ва меҳнат фахрийларидан хабар олиниб, уларга совғалар берилди.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ёзги соғломлаштириш – юксак масъулият

ҒОВАСОЙ БЎЙЛАРИДА

Фарғона водийсини чинакамига тоғлар ўлкаси дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг табиий харитасига назар ташлагудек бўлсангиз, ўндан ортиқ номдаги тоғлар ястанганлигини кўрасиз. Шу боисданми, маъданли сувларга бой санаторийлар шу ерда жойлашган. Ёз ойларида эса водийда ўнлаб болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

Чуст туманининг Оғасарой қишлоғи ҳудудида жойлашган «Тоғ шалоласи» болалар оромгоҳи ана шулардан бири. Унинг шундай ном билан аталиши бежиз эмас. Асрий тоғ чўққиларидан бошланган Ғовасойга назар ташласангиз, ўзанига сиғмасдан тошдан-тошга урилиб оқаётган оби ҳаёт шалолани эслатади. Қаёққа қараманг, тоғ! Юксак-юксакларда, кўкимтир осмон бағрида сузаётган парқу булутлар оқсоқол чўққиларни силаб-сийпалайди. Баланд-баландлардан бошланган дарахтзор ва бутазорлар тоғ ён бағирларини безаганича пастга қараб ўрмалаган ҳамда қишлоқдаги инсонлар қўли билан бунёд қилинган боғларга қўшилиб кетган. Тошдан-тошга урилаётган сув оқимидан, кўз етмас дарахтзорлардан чиқаётган ва чўққилар елкасида аста-секинлик билан эриб бораётган қор кўрпасидан уфураётган мўл-кўл кислород нафас олишингизни шундай енгиллаштирадики, сиз гўёки ўпка йўлларига сариғ ёғ ютаётгандек бўласиз.

– Мана бир неча йиллардирки, ушбу болалар оромгоҳида тармоғимиз ходимларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаради, – дейди Ўзбекистон автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Наманган вилояти вакили Раҳимжон Арслонов. – Ҳар қандай инсон учун фарзанди тинч юрса, соғлом бўлса, иш унуми шунчалик ортаверади. Шу боисдан биз ходимларнинг ўғил-қизларини соғломлаштириш масаласига ҳар доим катта эътибор билан қараймиз. Жумладан, бу йил мавсумга ҳозирликка барвақт киришилди. Оромгоҳ сифатли таъмирдан чиқарилди. 160 ўринли ётоқхона, ошхона ва ёрдамчи бинолар барвақт тайёрлаб қўйилди. Бу эса ҳар қачонгидек июн ойининг биринчи кунидан оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйиш имконини берди.

– Биринчи босқичда 160 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради, – дея суҳбатга қўшилди оромгоҳ раҳбари Авазхон Муҳаммадаминов.– Иккинчи босқичда ҳам шунча, мавсум давомида ҳаммаси бўлиб 320 нафар ўқувчининг ҳордиқ чиқаришига эришишни режалаштирганмиз.

Оромгоҳ фаолияти билан танишсангиз, кўнгил хотиржам тортади. Бош етакчи Гулнора Казакбоева болаларнинг қувнаб ҳордиқ чиқариши, ҳар бир куннинг қизиқарли ва мазмунли ўтишлигига эришиш чорасини кўрмоқда. Маънавият ва маърифат хоналари, кутубхона, чўмилиш ҳавзаси болалар хизматида. Оромгоҳда 6 хил тўгарак фаолият кўрсатиб, уларга ёш ҳордиқ чиқарувчилар ўзларини қизиқтирган соҳалари бўйича қатнашмоқдалар. Кун оралаб қизиқарли фильмлар намойиш этиляпти. Шифокор Зокирали Мирфазов болалар саломатлигини хушёрлик билан назорат қилиб турибди. Пиширилаётган таомлар ҳаммага манзур. Хуллас, болалар «Тоғ шалоласи»да ҳар бир кунини мириқиб, ҳордиқ чиқариш билан ўтказмоқдалар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИГА ТЎЛА ОРОМГОҲ

Сурхондарё вилоятидаги болалар оромгоҳлари бу йилги мавсумда кўплаб ўғил-қизларни ўз бағрига олган. Уларнинг аксарияти сўлим табиатли ва хушҳаво масканларда жойлашган.

Узун туманидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Қулниёзов номли оромгоҳда болаларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш учун уюшқоқлик билан фаолият олиб борилмоқда. Бу ерда дастлабки навбатда 200 нафардан зиёд меҳнаткашлар фарзанди ҳордиқ чиқармоқда. Сокинликни болаларнинг шўх-шодон овозлари бузиб турган салқин дам олиш маскани барча қулайликка эга. Ҳаммаёқ тоза-озода ва тартибли кўринишга келтирилган. Беғубор болаликни акс эттирувчи тасвирлар туширилган паннолар оромгоҳ кўркига-кўрк қўшган. Мавжуд кинотеатр, ўйингоҳ, спорт майдонлари, бассейн ҳамда маънавият ва маърифат хонаси ёшларнинг дам олишлари сермазмун ўтишида яқин кўмакчи бўлмоқда.

– Фарзандларимизнинг ёзги таътилларини яйраб ўтказиши учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрдик. Ушбу мақсадларга 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Жумладан, янги кроватлар, кўрпа-тўшагу чойшаблар билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, ошхонадаги стол-стул ва бошқа жиҳозлар ҳам янгиланди, - дейди оромгоҳ директори Ҳикматилло Шоймардонов. – Дам олувчи ўғил-қизлар учун қўли ширин ошпазларимиз турли-туман лаззатли ва витаминга бой овқатлар тайёрлаб беришмоқда. Улар уч маҳал сутли ва гўштли таомлар танаввул қилишади. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини экин майдонимизда ўз кучимиз билан етиштирдик. Эндиликда оромгоҳ қошида чорвачилик хўжалиги ташкил этиш ниятимиз ҳам бор.

Дам олиш маскани 12 нафар доимий ишловчи ходимга эга. Айни мавсум вақтида эса тарбиячи, ҳамшира, милиционер ва спорт мураббийларидан иборат 32 нафар қўшимча мутахассис иш олиб бормоқда. Улар болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларига шароит яратиш учун бетиним ҳаракат қилишмоқда. Навниҳол ўғил-қизлар ўртасида тез-тез спорт мусобақалари ва бадиий кўрик-танловлар ўтказиб турилмоқда. Уларнинг шуғулланишлари учун турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Бундан ташқари, оромгоҳда фарзандлари ҳолидан хабар олмоқчи бўлиб келган ота-оналар учун махсус жойлар, меҳмонхоналар ташкил этилган.

– Мазкур оромгоҳда тизимимизда меҳнат қилаётган кам таъминланган ходимлар фарзандларидан 50 нафарининг бепул дам олишлари учун шароит яратиб бердик. Бу ерга дам-бадам ташриф буюриб, уларнинг соғлиғи ва кайфиятини суриштирамиз. Дам олиш масканида жигарбандларимизга ҳақиқий ором бахш этадиган қулайликлар мавжудлиги бизни мамнун қилди, - дея ўз таассуротини билдирди Шўрчи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Эшмурод Худоёров.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

ЕТАКЧИДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

Қашқадарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими касаба уюшма қўмиталари бирлашган касаба уюшмасининг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда 70 нафар конференция делегати иштирок этди.

Конференцияда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитасини ташкил этиш ва унинг таркибини сайлаш каби бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича конференция қарори қабул қилинди. Шунингдек, анжуманда касаба уюшма қўмитаси тафтиш комиссияси аъзолари аниқланди.

Кун тартибидаги мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Маматов, тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Ш.Кубаев сўзга чиқди.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси этиб Шуҳрат Турдиев сайланди.

З.РАҲИМОВА

МИРЗАЧЎЛНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Мирзачўл туманининг Гагарин номидаги санаторий-профилакторийсида беморларни радонли сув билан даволаш йўлга қўйилди.

Сиҳатгоҳ ҳудудида «Ўзбекгидрогеология» акциядорлик бирлашмаси мутахассислари томонидан олиб борилган изланишлар ўз самарасини берди. Бирлашманинг махсус бурғучилар бригадаси минг метр чуқурликдаги маъданли сувни чиқариб, муолажа хоналарига улади.

- Тиббий амалиётлар самарадорлигини оширишда бу сувнинг аҳамияти катта, - дейди сиҳатгоҳ директори Жавлон Жўраев. - Радонли сув ошқозон-ичак, таянч аъзолари, асаб тизими касалликларини даволашда жуда яхши фойда беради.

(ЎзА)

«Ишонч» фош этади

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

барҳам топсин

Юртбошимиз халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, нақд пул тушумининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, яширин иқтисодиётга барҳам бериш йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратган эдилар. Ҳозир жойларда ушбу белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Уйчи туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Ўзбекистон Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари юзасидан жойларда қандай амалий ишлар бажарилаётганлиги хусусида текширув ўтказишганда айрим ҳолатларда қонунбузилишлар содир этилганлигини фош этдилар.

«Муздалифа» масъулияти чекланган жамият тумандаги йирик корхоналарнинг бири ҳисобланади. Раҳбарият солиқ инспекциясига ҳисоботларни вақтида топшириб келишган бўлса-да, негадир ундаги рақамларнинг аксарияти уларда шубҳа туғдирди. Ниҳоят, бошқа манбалардан олинган рақамлар қиёслаб кўрилганда, 24 миллион 246 минг сўм товар айланмаси яширилганлиги маълум бўлди. Яъни, бюджетга тўланиши лозим бўлган 2 миллион сўмга яқин солиқ ва тўловлар тўланмай келинганлиги исботланди.

Боз устига, корхонада чакана савдо қоидалари ҳам қўпол равишда бузилган эди. Амалдаги қонун талабларига биноан, махсус савдо шохобчасига эга бўлган тақдирдагина чакана савдо билан шуғулланишга рухсат этилади. Шундай бўлса-да, турғун савдо шохобчаси ҳам, назорат-касса машинаси ҳам йўқ эди. Ачинарлиси, чакана савдодан тушган тушумлар банк муассасасига топширилмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги текширув чоғида аён бўлди.

Шундай нохуш манзара «RICH» хусусий фирмасида ҳам кўзга ташланиб қолди. Фирма раҳбари Б.Дадахўжаев туман давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботда салкам 73 миллион сўм товар айланмасини яширириб, 1 миллион 385 минг сўм солиқ ва тўловлар бюджетга тўламай келган.

Қонунга зид равишда даромадни яшириш ҳолатлари бошқа жойларда, хусусан, Норин туманида ҳам аниқланди. Жумладан, «Муҳаммад Расул олчи» кичик корхонасида ўтказилган ҳужжатли текширувда 362 минг сўм солиқ ва тўловлар тўланмаганлиги, корхона раҳбари Абдуғани Мавлонов эса жамоага тегишли 2 миллион сўмни нималарга сарфланганлигини исботлай олмай, далолатномани имзолаш пайтида ғойиб бўлди.

Яқинда Андижон вилояти шаҳар ва туманларида нақд пул тушумини инкассация орқали банк муассасаларига ўз вақтида топшириш ишларини ўтказиб, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш ишларини ташкилий ва амалий ишлар бажарилаётганлиги ва бу борадаги ишлар ҳақида ҳисобот берилиб, у аввалги вазифасига тикланадиган, мажбурий бекор юрган кунлари учун корхонадан 244 минг 440 сўм ва 50 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. «Учтепа пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиш баённомаси қонунга зид бўлганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топилди.

Адолатнинг тантана қилиши, ўз-ўзидан бўлмайди. Бунга «Жиззахтумангаз» идораси ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Насиба Абдуллаева ўз фаолиятида иқрор бўлди. Шуниси ажабланарлики, уни бевосита иш берувчи эмас, балки ундан-да юқори турувчи «Жиззахгаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси раҳбари вазифасидан бўшатиш ҳақида 2004 йилнинг 12 мартида буйруққа имзо чекади. Бу ноқонуний буйруқдан норози бўлган Н.Абдуллаева ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришини сўраб Ўзбекистон енгил, мебел саноати, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоят вакиллигига мурожаат қилди.

Вакиллик мутасаддилари «Жиззахтумангаз» раҳбариятига расмий хат билан мурожаат этиб, Н.Абдуллаева билан Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабларига зид равишда меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонунининг 16-моддасига зид бўлиб, вилоятгаз раҳбарияти шаҳар ва тумангаз идоралари ишчи-хизматчиларининг бевосита вазифасидан озод қила олмаслиги баён этилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшма вакиллиги аралашуви билан ҳақиқат қарор топди. Натижада Н.Абдуллаева аввалги вазифасида ишни давом эттирадиган бўлди.

Касаба уюшмалари аралашуви билан «Жиззахободончилик» ҳиссадорлик жамияти ходими Х.Бекмуродов, «Жиззахдонмаҳсулот» уюшмаси раисининг ўринбосари С.Нормуродов, Даштобод пахта тозалаш корхонаси ҳисобчиси О.Турғуноваларнинг ҳам қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қайта тикланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Бир Фармон шарофати

НАЖОТКОРЛАР

– Қўзимни очсам, атрофимдаги оқ либосли шифокорларнинг қувониб менга қараб турганликларини кўрдим, - дейди «Соҳибқирон» ширкат хўжалигининг Совуқбулоқ қишлоғида яшовчи Сарвиноз Боймирзаева. – Оғир дард мени анча чарчатиб қўйган бўлсада, шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан соғлиғим қайта тикланди.

Чойдори қишлоғилик Марзия Эшқурбоновани ярим тунда олиб келишганида беморнинг аҳволи оғир эди. Уни зудлик билан операция столига ётқизишди. Аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар дақиқа ғанимат. Тажрибали шифокорлар Боймурод Сувонов, Искандар Рўзибоев, Мавлуда Бойматова ва Шарофат Саидалиеванинг жон олиб-жон бериб уринишлари она ҳамда чақалоқ ҳаётини сақлаб қолиб, бир оилага қувонч улашди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.



Яккабоғ туманида 196 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 2200 нафардан ортиқ тиббиёт ходими эл соғлиғига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Шифокорларнинг 56 нафари олий, 98 нафари 1-тоифали мутахассислар ҳисобланади. Бу ерда тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида жадал иш олиб борилмоқда.

Кейинги пайтда шифохоналар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, қўшимча даволаш бинолари қурилди. Қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу олис қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Хусусан, ўтган даврничида туманда 16 та қишлоқ врачлик пункти ўз фаолиятини бошлади. «Каттабоғ», «Эсат», «Мевазор», «Қайрағоч», «Чинобод», «Эдилбек» сингари ҚВПларга замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди.

«Қайрағоч» қишлоқ врачлик пункти илгари мослаштирилган бинода фаолият юритгани учун шароит унчалик яхши эмас эди. Қайта таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббий маскан эндиликда «Ҳисор» ширкат хўжалиги аҳолисига намунали хизмат кўрсатаяпти. Физиотерапия муолажалари аппарати, анализ натижаларини ўрганиш лабораторияси, стерилизация (зарарсизлантириш) мосламаси каби тиббий асбоб-ускуналар даволаш-профилактика ишлари, айниқса қўл келиоқда.

Биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Манғит Ҳайдарова раҳбарлик қилаётган «Эсат» ҚВПси ходимлари ҳақида ҳам доимо илиқ гаплар айтилади. Эл соғлиғига ҳисса қўшишда Омон Тариқулов, Тошкан Ёров, Раъно Муродова, Абдусамад Бойметов, Муҳаммад Алиқулов каби шифокорлар хизмати катта бўлмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш тармоқ касаба уюшма қўмитасининг диққат марказидан жой олган. Касабақўм раиси Рустам Узоқов ходимлар соғлиғини тиклаш, уларнинг фарзандлари саломатлигини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Жамоа шартномалари камқўстсиз бажарилмоқда. Ўз арофига 3357 нафар аъзони бирлаштирган тармоқ касаба уюшма ташкилоти ходимларни сиҳатгоҳларда дам олдириш, уларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига жойлаштириш учун хизмат қилаяпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.
Суратларда: туман 2-туғруқхона мажмуи чақалоқлар бўлими шифокори Анвара Ҳайитова, ҳамшира Маҳбуба Вафоева; «Каттабоғ» қишлоқ врачлик пункти бинаси.

Саломатлик суҳбатлари

АВВАЛО АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСИН

шунда миллат ҳам бақувват бўлади, дейди шифокоримиз

Фориш – тоғлар орасидаги энг сўлим гўша. Ён бағирларида булоқлар қайнаб ётади, ҳавоси мусаффо. Юз йиллардан буён бу ерларни макон тутган одамлардан «дунёдаги энг гўзал маскан қаерда?» деб сўрасангиз, улар «албатта биз яшаётган жойлар!» деб жавоб қилишади. Чиройли ва хушманзара бўлгани яхши-я, бироқ ўзига яраша муаммоларим бор-да. Масалан, тумандаги қишлоқлар бир-биридан икки-уч чақирим узоқликда жойлашган. Ҳомиладор аёлни ярим тунда дард тутиб қолса... У олис йўл босиб туғруқхонага бориши керак бўлади. «Тез ёрдам» чақирса бўлади-ку» дерсиз. Бунинг иложи йўқ. Тоғ қишлоқларига автоулов боролмайди! Сабаби ён-атроф, қиру адир, йўллар эгри-бугри, ҳар қадамда катта-кичик харсангтошлар учрайди. Барибир, қай шароитда бўлмасин, она бўлиш арафасида турган аёллар ва туғилажак болалар соғлигини асраб қолиш керак. Ахир қишлоқларда илк бор она бўлаётган келинчаклар кўп. Хўш, нима қилмоқ зарур?

Туман марказий шифохонаси бош акушер-гинекологи Жумагул Рустамова бу ҳақда жуда кўп ўйлайди. Узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган бу аёл маҳалла-қишлоқларни кезиб чарчамайди, пою-пиёда йўл босиб кўпни кўрган, ҳаёт аччиқ-чучукларини тотган онахонлар билан суҳбат қуради, хонадонларнинг шарт-шароитини ўрганади, болакайларни ва қизалоқларни гапга солади. Йўл-йўлакай касалхона томон қайтаркан, хаёлга толади. Азал-азалдан тоғ халқининг ўғиллари полвонкелбат, кучли бўлишган. Қизлари сутга чайилгандай, оппоқ дуркун... Лекин нега эндиликда тоғлик болаларнинг аксарияти нимжон, камқувват? Бунинг бош сабаби оналарнинг ҳомиладорликни оғир ўтказгани, ўз вақтида муолажа олмагач, дард сурункали босқичга ўтиб, охир-оқибат ҳомилага зиён етказганида эмасмикан?!

– Бу сингари муаммоларнинг ечимини топишда биз аёллар шифокорлари янада фаол ва ҳушёр бўлишимиз керак, – дейди Жумагул Рустамова. – Аввало, кишиларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш лозим. Ахир, аёл бирор жойи зирқираб оғриб турсаю шифокорга тезроқ мурожаат этиш ўрнига уй шароитида билиб-билмай ўзича даъво чораларини қўлласа?! Бу унинг аҳволини баттар оғирлаштиради-ку!

Тиббий жиҳатдан саводхон бўлмаган аёл ақалли йилда икки марта шифокор кўригидан ўтиб туриши соғлиғи учун ғоят муҳим эканини тушуниб етмайди. Ё бўлмаса уйдаги орасталик ва покизалик келгусида она бўлувчи қизларимизнинг саломатлигида катта ўрин тутишини ҳам фаҳмламайди. Ҳатто дунёга келажак фарзанднинг буткул соппа-соғ бўлмоғи учун, аввало она ўзини соғлом ҳис этиши кераклиги тиббий саводхонлиги етарли бўлмаган аёлнинг хаёлигаям келмайди. Биз хонадонлардаги суҳбатлар чоғида бу ҳақда тез-тез таъкидлаб турамиз.

Ҳа, унинг айтишича, шифохона врачлари ва ҳамширалари олис тоғ қишлоқларига гоҳ отда, гоҳ пиёда етиб боришади, аёллар ҳамда балоғат ёшидаги қизлар билан саломатликка оид суҳбатлар қуришади, зарур ҳолларда уларга тиббий кўмак берилади. Кўрилаётган профилактик ва даъво чораларининг самараси ижобий бўлмоқда. Кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари кескин камайди. 360 ўринга мўлжалланган шифохона биноси қайта таъмирланиб, даволаш хоналари кенгайтирилди. Айни вақтда энг замонавий тиббий жиҳозлар беморлар хизматида. Шифохонанинг ҳар бир қаватида муолажа олаётганлар учун дам олиш хоналари мавжуд. Михи, Ёнбулоқ сингари олис қишлоқларда мавсумий хасталикларни камайтириш, патронаж хизматини юқори савияда ташкил этиш, вояга етмаган қизларни ҳозирданоқ оналикка тайёрлаб боришларини пухта адо этилишига масъулият билан қаралади.

– Мактаб ва маҳаллаларга чиқиб «Қизлар дарси» ҳам ўтказамиз, – дейди Жумагул опа. – Ушбу дарс сабоқларида қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарари, қизларни барвақт турмушга узатишнинг саломатликка салбий таъсири, зарарли иллатларга чек қўйиш баробарида наслнинг соғломлигини сақлаб қолиш сингари мавзуларда сўз юритилади. Хуллас, «Бехатар оналик» дастурида кўзда тутилган зарурий вазифаларга бутун диққат-эътиборимизни қаратяпмиз. Мақсад эса битта: аёл саломатлигини тиклаш орқали авлод соғломлигига ҳисса қўшишдир!

Г.ЖАМИЛОВА

Таҳририятга хат

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Машҳур шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Шифохонада» шеърида шундай сатрлар бор:

Шундай шифокорлар борки,
Туғишган акангдай қарайди сенга,
Тузалиб кетасан уялганингдан...

Яқинда оғир хасталик билан Чкалов номли Тошкент авиация ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (ТАПОиЧ)га қарашли шифохонанинг қайта жонлантириш бўлимига тушиб қолдим. Яшашдан умидимни узган эдим: ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман, ёш ҳам бир жойга бориб қолган... Бунинг устига, пенсия билан кун кўраман. Дори-дармон қиммат... Ёмон беморга шифо бераман деса, яхши шифокорга рўпара қилар экан. Мўъжизани қарангки, бўлим бошлиғи Ф.Баскаладзе ва тиббиёт ҳамшираси Зарина Шодиеваларнинг меҳрибонлиги, куюнчаклиги мени ҳаётга қайтарди. Юзидан нур, сўзидан дур ёғиладиган бу мушфиқ инсонлар ҳар лаҳза мен билан ҳамнафас бўлишди, ҳаёт-мамот олишувида ёнимда туриб, бедаво дард билан курашишди. Шифокор сўзи, ҳамдардлиги, ишонтириш кучининг ҳар қандай дори-дармондан устунлигини шунда ҳис қилдим. «Шифокор беморнинг ота-онасидан, дўст-биродарларидан ҳам меҳрибонроқ бўлади», – деган қадим Шарқ ҳикматига иймон келтирдим. Зеро, беморга ҳамдардлик билдириш унга ярим соғлиқ ато этиш билан тенг. Доктор Боткиннинг бемор ҳузурида пайдо бўлиши, унинг биргина ширин каломи беморни дарддан халос қилиши ҳақида ёзилган гаплар муболаға эмас, чин эканлигига ишондим.

Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган касалларга шундай дер экан:

– Биз уч кишимиз: мен (табиб), сен (бемор) ва у (касаллик). Агар сен мен тарафга ўтсанг, у енгилади. Лекин у тарафга ўтсанг, икковингни енгишим қийин.

Биз эса уч киши бўлиб (мен, шифокор ва ҳамшира) касалликка қарши курашдик ва уни енгдик. Мени ҳаётга қайтарганлари учун шифокорлик бурчи ва масъулиятини ҳамма нарсадан устун қўйган, юксак инсонийлик фазилатлари ва олижаноблик намойиш этган бу меҳри дарё тиббиёт ходимларига самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Абдукарим ОСМОНОВ,
меҳнат фахрийси

ҲАМШИРА

Лавҳа

Тошкент шаҳридаги Перинатал марказ ҳақида эшитгансиз, албатта. 1999 йилда ушбу марказ иши Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан юқори баҳоланди ва «Болани севувчи, унга дўстона муносабатда бўладиган муассаса» сифатида махсус сертификат топширилди.

Бундан саккиз йилча муқаддам 1-туғруқ мажмуи ўрнида ташкил этилган Перинатал марказ 250 ўринли стационар ва поликлиника бўлимларидан иборат. Бу ерда бўлғуси она ҳомиладорлик жараёнида кечирадиган нохуш ҳолатларини олдини олиш, даволаш, туғруқнинг эсон-омон, асоратсиз ўтишини таъминлаш сингари бир қанча муаммолар ижобий ҳал қилинади.

– Марказимизда ҳар йили 5 мингга яқин бола дунёга келади, – дейди акушер-гинеколог Мақсуда Нурмуҳаммедова. – Шаҳардаги барча туманларда, асосан Шайҳонтоҳур туманида истиқомат қилаётган, туғруқлар оралиғида ёки ҳомиладорликда экстрагенитал хасталикларга чалинган аёллар бизга тез-тез мурожаат этишади. Уларнинг ҳеч бир асоратсиз соғайиб кетишлари учун даволаш ишларини кўнгилдагидек ташкил этганмиз. Барча тиббиёт ходимлари юқори малакали.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Перинатал марказ қошида икки йўналишда иш олиб борувчи «Туғруқ ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ва оилани оқилона режалаштириш» шаҳар ўқув-услубий маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Республика болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик маркази» мавжуд. Ушбу марказлар иш фаолиятининг мазмуни ва мақсади она-бола саломатлигини сақлашнинг 10 та тамойилини кенг татбиқ этишдан иборатдир. Бундай тамойиллар асосида ўсмир қизларга маслаҳат бериб, йўл-йўриқлар кўрсатиш, оналикка тайёрлаш, туғруқлар оралиғидаги масофа уч йилдан кам бўлмаслигини уқтириш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш мақсадида контрацептив воситалардан фойдаланишларини тавсия этиш, ҳомиладорлик, чилла даврлари чақалоқ парвариши хусусида маслаҳатлар бериш, хуллас, она-боланинг соғлом бўлишига оид вазифалар тўла-тўкис бажарилади.

– Марказда бизнинг хизматимиз қатъий талабларга кўра бажарилади, – дейди билимдон ҳамшира Дилоромхон Ҳакимова. – Ҳар бир ҳамшира, аввало беморнинг руҳий ҳолатини, кайфиятни ўрганади. Бемор қанчалик оғир аҳволда бўлмасин, ҳамшира уни тинчлантириши, соғайишига ишонтириши керак. Муҳими, ҳар қанақа вазиятда ҳам ҳамширанинг чеҳрасидан табассум аримаслиги лозим. Биз ўз устимизда қунт билан ишлаймиз, «бугуннинг замонавий ҳамшираси» деган фахрли номга сазовор бўлишни истаймиз.

Бемор сенга ишониб, ихлос билан боқса, соғайиб уйига қайтаркан, ёруғ табассум билан «Раҳмат» деб айтса! Бундай меҳрли муносабат биз шифокорларга куч-қувват бағишлайди, янада фидойи бўлишга ундайди.

Ҳа, ушбу йилда она ва бола саломатлиги йўлида курашиш, соғлом авлодни шакллантиришни таъминлаш асосий масалалардан бири саналади. Шундай бир пайтда Перинатал марказ шифокорлари ҳам ўз ишларига чуқур масъулият билан ёндошиб, даволаш ишларини юқори савияда ташкил этмоқдалар.

Г.КАРИМОВА,
Суратда: ҳамшира Д.ҲАКИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Барча жонкуяр ва заҳматкаш соҳа ходимларини касб байрами билан қизғин муборакбод этади. Эртамиз эгалари бўлмиш соғлом авлод камолотига қўшаётган улкан ҳиссангиз ҳамиша қадрли ва баракали бўлсин. Инсон саломатлигини муҳофаза этишдек шарафли ва масъулиятли ишингизда муваффақият тилаймиз

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Орамиздаги одамлар

Инсон умрини оқар дарёга менгзашади. Оқаверади, оқаверади... Оқаётган дарёнинг ортидан боғроғлар, чаманлар бунёд бўлаверади. Баъзан асов дарё кимларгадир озор етказади. Тиббиёт фанлари номзоди Жалолиддин Тожиев ўзининг қарийб етмиш йиллик умри давомида инсонларга фақат яхшилик соғиниб яшаётган инсонлар сирасига киради. Ўтган йиллар мобайнида ота кўплаб эзгу ишларга бош-қош бўлди.

БУНИ УМР ДЕРЛАР...

— Кечагидай ёдимда, — дея хотирлайди Жалолиддин отанинг рафиқалари Назирахон ая. — Хўжайиним Тошкент тиббиёт институтини тугаллаб, Мирзачўлга ишга юборилган эдилар. Эллигинчи йиллар ўрталарида у ерда тиббиёт ходимларига эҳтиёж жуда юқори эди. Кун-кунора ярим кечалари ҳам шифохонага чақириб қолиш одатий ҳол эди. Бундан Жалолиддин ака ҳеч қачон оғринмаганлар, аксинча, кимларгадир нафи тегаётганидан астойдил қувонганлар.

Кўп ўтмай, Жалолиддин Тожиевни Тошкент тиббиёт институти аспирантурасига ўқишга қабул қилишди. Унинг номзодлик диссертацияси "Диабет хасталигида жигар ва ошқозоннинг клиник функционал ҳолатини ўрганиш" мавзуига бағишланди. Узоқ йиллар мазкур ўқув даргоҳида талабаларга сабоқ берди. Сўнгра Тошкент врачлар малакасини ошириш институтидаги фаолияти бошланди. Устознинг ўнлаб илмий мақолалари, монографиялари чоп этилган.

— Жалолиддин ака нафақат ёшларга устоз, қўли енгил шифокор, балки пойтахтимизнинг "Олмазор" маҳалласи жонкуяр фаолларидан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Собирхон Яхёев. — Маҳалланинг бирор тадбири йўқки отанинг иштироки ёки маслаҳатисиз ўтса. Оиласи ҳам барчага ибрат. Ўғиллари Асомиддин архитектор, Жамолиддин ҳуқуқ-тартибот ходими, Ферузахон ўқитувчи бўлса, Нодирахон эса ота издоши— шифокор, тиббиёт фанлари номзоди. Жалолиддин ота ва Назирахон аялар ўндан зиёд набира ва эвараларнинг севимли бува ва бувижонлари.

— Меҳр билан боқувчи нигоҳларни кўрганда, маслаҳатларим одамларга асқотганда, умрим беҳуда ўтмаётганига, кимларгадир нафим тегаётганига қувонаман, — дейдилар ота.

Жалолиддин Тожиев бугун етмиш ёшни қаршилаяптилар. Гулдаста кўтарган шогирдлар, дўстлар ва маҳалла аҳли уни қутлаш учун ота яшаётган хонадон томон ошиқадилар. Умрингизга барака, устоз!

Ҳадича ҚАҲҲОРЖОН қизи

Евро - 2004

ЖАК САНТИНИ ЯНГЛИШДИ

У Хорватия футболчилари бунчалик эркин ҳаракатланишини кутмаган эди

Жамоа ғалаба қозонса ўйинчилар ютади, мағлубиятга учраса мураббий ютқазади. Футбол мухлисларига яхши таниш ибора Франция ва Хорватия термалари ўртасида кечган беллашувдан сўнг яна кўпчиликнинг ёдига тушган бўлса ажаб эмас. Гарчанд матч 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунига етган бўлса-да, бу анчайин кутилмаган ҳол сифатида баҳоланиши турган гап.

Бунинг сабаблари талайгина. Биринчидан, дастлабки турда Франция кимсан Англиядан нақд уч очкони юлқиб олиб, қанчалар кенг имкониятларга эга эканлигини намойиш этган бўлса, иккинчидан, Швейцария билан баҳсда бутун бир тайм бир ўйинчи кўп бўлиб ўйнаганига қарамай, омад посангисини ўз томонига оғдира олмаган Хорватия терма жамоаси бу учрашувдан умид қилмаётгани аниқ эди.

Лекин ўйин бутунлай ўзгача тасаввур қолдирди. Зидан томонидан амалга оширилган жарима тўпини қайтармоқчи бўлган ҳимоячи бехосдан ўз дарвозасини нишонга олиб қўйгач, аста-секинлик билан ташаббус Болқон яриморолидан келган жамоага ўтди. Буни, чамаси, французлар сезмай ҳам қолишди. Айниқса, иккинчи бўлим хорватларни бир неча поғона юксакликка кўтариб юборди. Ҳужумчи Дадо Пршони тўхтатишнинг иложи бўлмай қолди. Ҳаш-паш дегунча Бартез дарвозаси икки бор ишғол қилиниб, Хорватия термаси олдинга чиқиб олди. Ўйин тизгини уларнинг қўлига ўтди.

Нега шундай ҳол юз берди? Бунда шубҳасиз, Франция жамоаси мураббийи Жак Сантини хатога йўл қўйди. У ушбу ўйинда осонлик билан ғалаба қозонишга ишонган ҳолда бир неча етакчи футболчиларни заҳирада қолдирди. Мensимаслик қимматга тушди. Францияни «Ювентус» ҳужумчиси Давид Трезегенинг шубҳали голигина мағлубиятдан қутқариб қолди.

Бунинг акси ўлароқ биринчи турда оғзидаги ошни французларга олдириб қўйган Свен-Ёран Эрикссон шогирдлари Швейцария футболчиларини учрашув бошиданоқ ўз дарвозаларига қамал қилиб, охир-оқибат йирик ҳисобда ғалабага эришдилар – 3:0.Шу куни Англия футбол осмонида ёрқин юлдуз пайдо бўлганини кўрдик. Ҳали ўн тўққиз ёшга ҳам тўлмаган «Эвертон» клуби вакили Уэйн Руни терма жамоадаги ўзининг бир йўла икки голини нишонлади. Биз Майкл Оуэнга иқтидорли ҳамкор топилганига ишонч ҳосил қилдик.

Шундай қилиб, «В» гуруҳидан кейинги босқичга қайси жамоалар йўлланма олиши масаласи учинчи турга қолдирилди. Лекин энг яхши имконият барибир Францияда эканлигини эътироф этишимиз лозим. Французлар Швейцарияни ута олмасалар, ҳатто кичик ҳисобда ютқазиб қўйсалар ҳам чорак финалга чиқишлари мумкин. Аммо Англия ва Хорватияга фақат ғалаба керак. Айниқса, Хорватияга. Кўрамиз, кимга омад кулиб боқаркин.

Ўқинг, бу қизиқ!

ПОЧТА МАРКАЛАРИ ҲИСОБИГА

Жаҳонга машҳур ёзувчининг укаси Лестер Хемингуэй ўзини «Янги Атлантида» республикасининг Президенти деб эълон қилган эди. Бу республика Лестернинг берган шаҳодатларига кўра Ямайка ороллари ининг жанубий соҳилидаги рифлар – қоя тошлар бағрида жойлашган. Рифнинг кенглиги 1,8 метр, узунлиги эса 9,1 метрдир.

Республика аҳолисининг сони ўшанда бор-йўғи тўрт кишидан иборат бўлган, яъни президентнинг ўзи, хотини ва икки боласи. Бу давлат почта маркаларини сотишдан орттирган маблағи ҳисобига тирикчилик қилган.

Ўзбекистон ёшлари

ИҚТИДОР

Баҳрўз – халқаро танлов ғолиби



Тасодифан қўшни Қозоғистон республикасида чиқадиган ёшлар газетаси қўлимга тушиб қолди. Унда тил билиш, хусусан, рус тили ва адабиёти бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ва Болтиқбўйи республикалари мактаб ўқувчиларининг Алмати шаҳрида ўтказилган танлови ҳақида ҳикоя қилинган бўлиб, мақолада келтирилган танловнинг беш-олти ғолиби қатори Наманган вилоятининг Чуст шаҳридан Баҳрўз Аҳмадалиевнинг ҳам исми-шарифи келтирилган, жумладан, унинг танловда биринчи ўринни эгаллаганлиги таъкидланган эди.

Бу янгилик бизни бир тарафи серсув ва сершовқин Сирдарё, иккинчи чети қорли чўққилари булутлар билан ўпишган Чотқол тизмаларига уланган Чуст туманига етаклади. Туман номи билан аталувчи шаҳар таърифига сўз йўқ. Ушбу қадимий шаҳардан номи тарихга кирган, донғи олисолисларга етиб борган шоирлар, фозилу фузалолар етишиб чиққанлигини яхши биламиз. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келаётганлиги ҳаммамиз учун сир эмас. Шу боисдан Ҳамдўстлик мамлакатларидан ва Болтиқбўйи республикаларидан иштирок этган етмиш нафар, жумладан Ўзбекистондан келган олти нафар ёш талант орасида юқорида номи тилга олинган Чустлик ўқувчининг ҳам ғолиблар қаторида борлигига, муҳими, биринчи ўрин унга насиб этганлигига ҳайрон бўлмадик.

Мана, Баҳрўзжон билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Оддий, камтарингина йигит. Ҳар қандай саволингизга жавоб қайтаришга тайёр, аммо ўзи ҳақида сўраб қолсангиз, ўйлаётган нарсасини ҳам унутгандек саволингизга жавоб олиш қийинлашади.

Баҳрўзнинг ажойиб қобилияти, фикрларининг теранлиги, мушоҳадаларининг ўткирлиги, кўп ўқиб-ўрганганлиги бошланғич синфларданоқ кўзга ташланиб қолган эди. Унда аниқ фанларни ҳам пухта ўзлаштиришлиги билан бир қаторда ижтимоий фанларга нисбатан иштиёқи айниқса бошқача эди. Бу ўринда шуни айтиш кифояки, ҳар тарафлама қобилият эгаси бўлган Баҳрўз ҳозирдаёқ бир неча тилни, жумладан, рус, инглиз, ўзбек ва тожик тилларида ўқийди, мулоқот қилади. Йигитча бошланғич маълумот олиш босқичи тугагач, ўқишни аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернатда давом эттирди. Бугунги кунда ушбу билим тармоғининг битирувчиси.

– Баҳрўз ҳар тарафлама қобилиятли ўқувчи, - дейди олий тоифали ўқитувчи Умриниса Шалалигина. – Унга тўрт йил дарс бериш жараёнида шунга ишонч ҳосил қилдимки, Баҳрўз сингари ўқувчилар камдан-кам бўлади. Ҳар қандай тилни тез ва осон ўзлаштиради.

Баҳрўз 9-синфдан мамлакат миқёсидаги тил бўйича танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Айтиш жоизки, ҳар гал фақат ғолибликни, муваффақиятли ўринларни эгаллаяпти. Алмати шаҳридаги рус тили фани ва адабиёти бўйича Ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи республикалари иқтидорли ёшлар беллашувида эришган ютуғи айтганларимизнинг яна бир тасдиғидир. У ҳайъат аъзоларининг берган барча саволларига тўлақонли жавоб қайтариб, танловнинг мутлоқ ғолиби деб топилиб, биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистондан борган гуруҳ раҳбарларининг айтишича, Баҳрўз қайтарган жавобдан қониққан комиссия аъзоларидан бирининг «Ўзбекистондан келган бу ўқувчининг кенг қамровли жавоби мени қойил қолдирди» дея шерикларига инглизча билдирган мулоҳазаларига жавобан:

– Раҳмат, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, - дея худди ўша тилда миннатдорчилик билдирганида ҳайъат аъзолари қарсак чалиб юборишди. Халқаро миқёсдаги ушбу тадбирга Москвадан вакил сифатида келган Россия Президентининг рафиқаси Л.Путина ғолибларни тақдирлаш жараёнида биринчи бўлиб Баҳрўз Аҳмадалиевни эришган муваффақияти билан қизғин табриклаб, эсдалик совғасини топширди.

Шу тариқа Чуст туманидаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернат битирувчиси Б.Аҳмадалиев Россиядаги хоҳлаган олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзини қўлга киритди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

«Нурота чашмаси» фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилганига 13 йил бўлди. Унинг репертуаридан ўзбек, тожик куй-қўшиқлари ўрин олган. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган санъат ихлосмандларидан 18 нафари ансамбл қатнашчиларидир.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат

БИР ШОДА МАРВАРИД

воқеий ҳикоя

Бугун Мунисанинг тўйи. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари бутун маҳаллани тўйга чорлади. Ҳамманинг дилида қувонч. Кимдир чой ташийди, бошқаси самоварга ўтин қаламоқда. Фақат ён қўшниси Салтанат аянинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Унинг орзулари, қувончлари карнай-сурнай садоларига қўшилиб гўё кўзларидан оқиб кетаётгандай. Балки, ёлғизгина ўғли оламдан бевақт ўтмаганда, бу кунги карнай-сурнай унинг ҳовлисида янгрармиди. Келинлик либосини кияётган қиз унинг остонасидан ҳаё билан қадам қўярмиди...

Шуларни ўйларкан, ўғлининг қисқа ҳаёти кўз ўнгидан бир-бир ўтди, ўтаверди. Қулоқлари остида дилбандининг «Онажон» деган жарангдор овози эшитилгандек бўлди. Севган қизи тўй бўлаётганига руҳи безовта бўлдимикан?! Онаизор Қуръон тиловат қилиб, ўғлига бағишлади. Барибир жигарбанди кўз олдидан нари кетмади. Сўнгра қабристонга борди. Не кўз билан кўрсинки, қабр атрофи супуриб-сидирилган, бир даста қип-қизил гул турарди. Онанинг юраги қалқиб кетди. Демак, Муниса келиб кетган. Онаизор қушдай енгил бўлиб, уйига қайтди. Хотиралар эса ундан нари кетмади.

– Ҳа, айтмоқчи боласи тушмагур жуда шўх, тўполончи эди-да, – деб эслайди она. - Бирон кун йўқки, бурнини қонатмаган ёки устибошлари бир алпозда уйига қайтмаган бўлса. Маҳаллада жанжаллашмаган, тортишмаган тенгдоши йўқ эди. Кўрган нарсасига қизиқарди. Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб юрган кезларида қишлоққа дорбозлар келди. Бири майдаланган шишага ағанади, яна бири осмону фалакда ҳар хил ўйинлар кўрсатди. Бола бола-да ҳаваси келдими ё ўртоқларига мақтанишни истадими, ҳарқалай мен уйда йўқлигимда ўзини томдан ташлабди. Уйга қайтсам вой-войлаб оёғини чангаллаб ётибди. Қўрқиб кетиб табибга элтдим. Оёғи синган экан, тахтача боғлаб қўйди. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бу орада ўғлимнинг бўйи чўзилиб, қуйилиб қолди. Маҳалладошлар унга энди ҳавас қилишадиган бўлишди. Чунки у ҳамманинг оғирини енгил қилишни хоҳларди-да.

Шу орада ҳарбий хизматга кетадиган бўлди. Кетар чоғида мени четга имлаб кўнглидагини уятсираб айтди. Боласи тушмагур қўшни қиз Мунисага кўнгил қўйган экан. Эшитганимда қанчалик хурсанд бўлгандим-а. Негаки, Муниса кўз ўнгимда ўсган оқила, доно қиз. Ўша кундан бошлаб тўй тараддудига тушдим. Момиққина пахталарни саваб шойи бахмал кўрпалар қавидим. Келинимга деб энг чиройли кийимлар сотиб олдим. Бувижонимдан қолган ёдгорлик бир шода марваридни ҳам келинимга атагандим. Оллоҳдан тилакларим жуда кўп эди. Шу ҳовлини болаларнинг шодон кулгилари тўлдирсин деб ният қилгандим. Афсус, бундай бўлмади. Болам ғаним ўқига учди-кетди. У ҳарбий хизматда юрган кезлари Ватанимиз чегарасини бузиб кирган манфур тўдаларга қарши курашда ҳалок бўлди. Бутун қишлоқ унга аза тутди. Қабристонда бюстини ўрнатишди. Ўзи ўқиган мактабга номини беришди. Аммо ўғлим севган қиз бугун турмушга чиқаяпти. Мен эса бу ерда хотираларга берилиб ўтирибман.

Онаизор шундай аччиқ хотираларга берилиб, ўтирарканг, ҳовлига Мунисанинг кириб келганини сезмай қолди. Унинг кўзларида сўнгсиз дард бўлсада лаблари табассум қилиб турарди:

– Сиздан оқ фотиҳа олгани келдим, – деди қўлидаги дастурхонни хонтахтага қўярркан. – Буни ойим бериб юбордилар. Тўйга ўзингиз бош бўларкансиз.

Онанинг кўзларидан ёшлар дувиллаб оқди. Мунисага уни кўрсатмаслик учун, ман ҳозир, деганча уйга кириб кетди. Анчадан кейин қўлига бир шода марваридни олиб қайтиб чиқди.

– Буни сенга атаган эдим. Яхши кунларингда тақиб юр. Оллоҳ ўғлим учун ҳам сенинг бахтингни бутун қилсин, – она марваридни Мунисанинг бўйнига тақаркан, узоқ дуо қилди.

Орадан бир йил ўтиб Муниса ўғил кўрди. Унинг исмини Низомжон деб қўйишди. Шунда Салтанат ая ўғли Низомжон қайта туғилгандек қувониб кетди. Унга атаб сарполар тикди. Ҳа, муҳаббат ҳамиша барҳаёт. Уни ўлдириб ёки сўндириб, юраклардан чиқариб ташлаб бўлмайди. Қаҳрамонлар эса халқимизнинг алп ўғлонлари. Улар ҳар биримизнинг қалбимизда мангу яшайди.

Навбаҳор РАҲМОНОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Сўзсиз сурат

А.ҲАКИМОВ чизган

СКАНВОРД

КАЛИТ СЎЗ	1	3	4	5	2	3	6

Илоҳий куч		Нефть кони		Товар сифати асоси		Пайғамбар	Шеъриий нашр	Транспорт кемаси
					1			
Илмгоҳ		Ижодкор					...тан	2
		3			Меҳнат	Ҳаёт		
Қайиқ пойгаси спорти		Асорат / Гёте асари			"Хазина"			
				Кирра			4	Кавказ дарёси
Кўзгу		Украин адиби		...титраш				
"...гоҳ"	5	Қопқон					Тожикистон нурхонаси	Тола экини
					Ўзбек шоири	Иморат		
Мудом	Оила сардори		6		Мумтоз шоир	Амир Темурнинг ўғли		Манзарали экин
			Таъм					

Ф. ОРИПОВ тузди.

ОЛМАНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОСИ

Турк келинлари янги уйга қадам қўяр экан, куёвнинг қўлидаги олмани тишлайди. Бу билан у уйнинг шараф ва номусини асрашга ва куёв муҳаббатини қабул қилиб, ундан фарзанд кўришга рози эканлигини ифодалайди.

Иккинчи марта турмуш қураётган бева эркакнинг марҳума завжаси қабрига олма қўйяди, унинг кўнгли ва севгиси барибир унда эканини англатади.

Қадимги юнонларда олма энг гўзал аёл муҳаббатининг ифодасига айланган. Тўй куни куёв ва келинчакка олтин рангли олма ва хушбўй кидон олмаси тўёна қилинган.

Гўзаллик худоси Афродитга бағишланган турли ишқий парчаларда олма рамзидан фойдаланилган. Юнонистонда ҳатто давлат арбоби Салоннинг буйруғи билан олманинг рамзий маъноси қонунлаштирилган. Бу буйруққа кўра, келин тўй кечаси олтин ранг олма ейиши шарт бўлган.

Д.ҒАЙБИЕВА тайёрлади

НИМ ТАБАССУМ

– Хўш қалай, врачнинг маслаҳатлари ёрдам бердими?

– Ҳеч қанақа ёрдам бермади. У эрталаб йигирма марта шиппагингизга қўлингизни теккизинг деган эди. Мен уйғониб, кароватдан турмасдан шиппагимни оламан, уни кароват ёнидаги стул устига қўяман-да, қўлим билан ҳатто йигирма мартадан ортиқ ушлайман – барибир, фойдаси йўқ. Ҳеч қандай самара бермади.

* * *

Шаҳарлик эру хотин фермердан ёзда турмоқ учун дала ҳовли ижарага олишди. Бир неча кундан кейин хотин фермернинг олдига келиб, озиқ-овқат чиқиндиларини қаёққа ташлашни сўрапти. Фермер бузоқча сотиб олишни маслаҳат берипти. Шаҳарлик эру хотин шундай қилишипти.

Ёз ўтипти. Кузда шаҳарга қайтиш олдидан эру хотин фермердан бузоқ сотиб олиш-олмаслигини сўрашипти.

– Билмасам, - депти фермер, – нархи қандоқ бўларкин?

– Биз уни 50 минг сўмга сотиб олгандик. Аммо ёз бўйи ундан фойдаланганимиз учун, майли ярмини бера қолинг!

* * *

Ошхонада навбатчилик қилаётган одам овқатнинг таъмини кўргач, ошпаздан сўрапти:

– Сиз армияда хизмат қилганмисиз?

– Худди шундай, - деб жавоб берибди ошпаз. – Ошпазлик қилганман. Икки марта ярадор бўлганман.

– Омадингиз бор экан. Сизни ўлдириб юборишмаганига таажжуб қиламан.

* * *

– Хоним, эрингизга тинчлик керак, сира ҳам ҳаяжонланмасин.

– Яхши, доктор, лекин мен янги пальто олмасам ҳеч иложи йўқ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 16184 Буюртма Г— 717 1 3456